

ФУҚАРОСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

1961 ЙИЛ 30 АВГУСТ

Аҳдлашаётган Давлатлар, Бирлашаган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1954 йил 4 декабрда қабул қилинган, (896) IX резолюция ижросини таъминлаш учун иш тутиб, фуқаросизликни халқаро битим билан камайтириш мақбуллигини тан олиб, қуидагиларга келишдилар:

1-модда

❶ Ҳар қандай Аҳдлашаётган Давлат ўзининг ҳудудида туғилган ҳар қандай шахсга ўз фуқаролигини тақдим этиши керак, акс ҳолда у апатрид бўлади. Бундай фуқаролик қуидагича тақдим этилади:

- а) қонунга кўра туғилганида, ёки
- б) миллий қонунда белгиланган тартибда тегишли ҳокимият органига тегишли шахс ёки унинг номидан илтимоснома берганда. Мазкур модданинг 2-банди қарорига риоя қилиш шарти билан, ҳеч бир бундай илтимоснома рад этилиши мумкин эмас.

Ушбу банднинг “b” кичик бандига мувофиқ, ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат ўз фуқаролигини тақдим этилишини назарда тутиб, шунингдек қонунга асосан ўз фуқаролигини миллий қонун томонидан белгиланган ёш ва шартлар билан тақдим этилишини кўзда тутиши ҳам мумкин.

❷ Ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат ушбу модданинг 1-банди “b” кичик бандига мувофиқ қуидаги шартлардан бир ёки бир нечтасидан келиб чиқиб ўз фуқаролигини тақдим этиши мумкин:

- а) илтимоснома Аҳдлашаётган давлат томонидан ўрнатилган муддатда, бошланиши ўн саккиз ёшдан ва тугаши йигирма бир ёшдан эрта бўлмасдан тақдим этилади, бироқ, шу билан бирга, тегишли шахс қонуний рухсатнинг заруратисиз ўзи илтимоснома тақдим этиши учун камида бир йил муддатга эга бўлиши керак;

- b) тегишли шахс бевосита илтимоснома беришдан олдин, мазкур Аҳдлашаётган давлат ҳудудида ушбу давлат томонидан ўрнатилган, беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатда одатдагидек яшаган бўлиши, умуман эса, бу ўн йилдан ортиқ бўлмаслиги керак;
- c) тегишли шахс суд томонидан давлат хавфсизлигига қарши жиноятда айбдор ёки жиноий айблов бўйича беш йилга ёки ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган деб тан олинмаслиги керак;
- d) тегишли шахс ҳамиша апатрид бўлган бўлиши керак.

-
- ③** Мазкур модданинг 1-банди “b” кичик банди ва 2-банди қарорига қарамасдан, қайсиdir бир Аҳдлашаётган давлат ҳудудида никоҳдан ва ушбу давлат фуқароси бўлган онадан туғилган фарзанд унинг фуқаролигини олади, аксинча бўлса, у апатрид (фуқаролиги йўқ шахс) бўларди.
-
- ④** Аҳдлашаётган давлат, акс ҳолда акс ҳолда апатрид бўлган ва у Аҳдлашаётган давлат ҳудудида туғилиб, илтимоснома бериш ёшидан чиқиши оқибатида ёки улардан талаб қилинган яшаш шартларини бажара олмаган, агар ушбу шахснинг туғилган вақтида ота-онасидан биттаси юқорида назарда тутилган Аҳдлашаётган давлатлардан биринчисининг фуқароси бўлса, ўз фуқаролигини тақдим этади. Агар тегишли шахснинг ота-онаси у туғилган вақтига қадар бир хил фуқароликка эга бўлмаган бўлса, унда ўз отасининг фуқаролигини ёки ўз онасининг фуқаролигини олиш тўғрисидаги масала ушбу Аҳдлашаётган давлатнинг миллий қонуни билан ҳал қилинади. Агар бундай фуқароликни олиш учун илтимоснома талаб қилинса, ушбу миллий қонун билан ўрнатилган тартибда талаб қилувчи ёки унинг номидан тегишли ҳокимият органига илтимоснома бериши керак. Ушбу модданинг 5-банди қарорига амал қилиш шарти билан бундай илтимоснома рад этилмаслиги керак.

-
- 5 Аҳдлашаётган давлат ушбу модданинг 4-банди қарорларига мувофиқ қўйидаги шартлардан бир ёки бир нечтасидан келиб чиқиб ўз фуқаролигини бериши мумкин:
- a) илтимоснома илтимос қилувчининг Аҳдлашаётган давлат томонидан белгилаб қўйилган ёшга етгунига қадар берилади, бу камида йигрма уч ёш бўлиши керак;
 - b) тегишли шахс ушбу Аҳдлашаётган давлат ҳудудида мазкур давлат томонидан ўрнатилган, бевосита илтимоснома беришдан олдин уч йил давомида одатдагидек яшаган бўлиши керак;
 - c) тегишли шахс ҳамиша апатрид бўлса.

2-модда

Ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат ҳудудида топилган бола, қарши тарафнинг далиллари йўқлиги сабабли, шу ҳудудда мазкур давлат фуқаролигига эга бўлган ота-оналардан туғилган деб ҳисобланиши керак.

3-модда

Ушбу Конвенцияга мувофиқ Аҳдлашаётган давлатларнинг мажбуриятларини аниқлаш учун кемада ёки ҳаво кемасида туғилиш тегишли равишда давлат байроғи остида сузадиган кема ҳудудида ёки ҳаво кемаси рўйхатдан ўтган давлат ҳудудида бўлган деб ҳисобланади.

4-модда

- 1** Аҳдлашаётган давлат ҳудудида туғилмаган ҳар қандай шахс туғилиш вақтида унинг ота-онасидан бири ушбу давлат фуқароси бўлса, ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат ушбу шахсга ўз фуқаролигини беради, акс ҳолда, у апатрид (фуқаролиги йўқ шахс) бўлади. Агар у туғилган вақтида ота-онаси бир хил фуқароликка эга бўлмаса, тегишли шахс отаси ёки онасининг фуқаролигини олиши керакми деган масаласи ушбу Аҳдлашаётган давлатнинг миллий қонуни билан ҳал қилинади. Ушбу банднинг қарорига мувофиқ фуқароликни тақдим этиш қўйидагича амалга оширилади:
- a) туғилганида қонунга асосан, ёки
 - b) миллий қонунда белгиланган тартибда тегишли ҳокимият органига тегишли шахс ёки унинг номидан илтимоснома берганда. Ушбу модданинг 2-банди қарорига амал қилиш шарти билан, ҳеч бир бундай илтимоснома рад этилиши мумкин эмас.
- 2** Ҳар қандай Аҳдлашаётган Давлат ушбу модданинг 1-банди қарорларига мувофиқ қўйидаги шартлардан бир ёки бир нечтаси бўйича ўз фуқаролигини тақдим этиши мумкин:
- a) илтимоснома илтимос қилувчининг Аҳдлашаётган давлат томонидан белгилаб қўйилган ёшга тўлишидан олдин берилиши, у йигирма уч ёшдан кичик бўлмаслиги керак;
 - b) тегишли шахс ушбу Аҳдлашаётган давлат ҳудудида мазкур давлат томонидан ўрнатилган, бевосита илтимоснома беришдан олдин уч йил давомида одатдагидек яшаган бўлиши керак;
 - c) тегишли шахс суд томонидан давлат хавфсизлигига қарши жиноятда айбдор деб тан олинмаган бўлса;
 - d) тегишли шахс ҳамиша апатрид бўлса.

5-модда

- ❶ Агар қайсиdir бир Аҳдлашаётган Давлатнинг қонуни тегишли шахснинг шахсий мақомида никоҳда бўлиш, никоҳни тўхтатиш, қонунлаштириш, тан олиш ёки асраб олиш каби ўзгаришлар оқибатида фуқароликни йўқотиши кўзда тутадиган бўлса, бундай йўқотиш бошқа фуқароликка эга бўлиш ёки бошқа фуқароликни олиш шарти билан белгиланиши керак.
- ❷ Агар қайсиdir бир Аҳдлашаётган Давлат қонунiga мувофиқ никоҳсиз туғилган бола оталикни тан олиш оқибатида ушбу давлат фуқаролигини йўқотадиган бўлса, унга мазкур фуқароликни тегишли ҳокимият органи олдида ёзма илтимоснома бериш орқали ушбу фуқароликни тиклаш имконияти тақдим этилади ҳамда бундай илтимосномани тартибга соладиган шартлар мазкур Конвенциянинг 2-моддаси 1-бандида ўрнатилганидан кўра қатъий бўлмаслиги керак.

6-модда

Агар қайсиdir бир Аҳдлашаётган давлатнинг қонуни шахснинг турмуш ўртоғи ёки қайсиdir бир шахснинг болалари туфайли фуқаролигини йўқотиши ёки ушбу шахсни мазкур фуқароликдан маҳрум этишни назарда тутса, бундай йўқотиш бошқа фуқароликка эга бўлиш ёки бошқа фуқароликни олиш шарти билан бўлиши керак.

7-модда

❶

- a) Агар қайсиdir Аҳдлашаётган Давлатнинг қонуни фуқароликдан воз кечишга рухсат берса, тегишли шахс бошқа фуқароликка эга бўлиши ёки олиши ҳолатларидан ташқари, бундай воз кечиш фуқароликни йўқотишга олиб келмаслиги керак.

б) Ушбу банднинг “а” кичик банди қарори Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13 ва 14-моддаларида баён этилган тамойилларига зид бўлган ҳолатларда қўлланилмайди.

- ②** Аҳдлашаётган Давлатнинг ўзга мамлакатда натурализация қилиш (чет эллик шахснинг ўзи яшаётган бошқа давлат фуқаролигига ўтказилиши) истагида бўлган фуқароси ўзга мамлакатнинг фуқаролигини олмаса ёки олиши тасдиғи бўлмаса, ўз фуқаролигини йўқотмайди.
- ③** Ушбу модданинг 4 ва 5-бандлари қарорларида кўзда тутилган истиснолар билан Аҳдлашаётган давлатнинг фуқароси кетиш, чет элда яшаш, рўйхатдан ўтмаслик ёки қандайдир шу каби сабабларга кўра апатрид (фуқаролиги йўқ шахс) бўлиши оқибатида ўз фуқаролигини йўқотмайди.
- ④** Натураллашган шахс тегишли Аҳдлашаётган Давлат қонунида ўрнатилган, камида кетма-кет етти йилдан кам бўлмаган муддатда чет элда яшashi сабабли тегишли ҳокимият органига ўз фуқаролигини сақлаб қолиш истаги тўғрисида билдиrmаса, ўз фуқаролигини йўқотиши мумкин.
- ⑤** Қайсиdir Аҳдлашаётган Давлатнинг ушбу давлат ҳудудидан ташқарида тўғилган фуқаросига нисбатан, мазкур давлатнинг қонуни у балоғат ёшига етгач бир йилдан кейин, ана шу вақт мобайнида ушбу шахс мазкур давлат ҳудудида яшashi ёки тегишли ҳокимият органи рўйхатидан ўтиши шарти билан ўз фуқаролигини сақлаб қолиши мумкин.
- ⑥** Ушбу моддада назарда тутилган вазиятларда ҳеч бир шахс бирон-бир Аҳдлашаётган давлатнинг фуқаролигини йўқотмайди, агар бундай йўқотиш уни апатрид қиласиган бўлса-да, гарчи бундай йўқотиш ушбу Конвенциянинг ҳеч бир бошқа қарорлари билан бевосита таъкидланмаган бўлса ҳам.

8-модда

-
- ❶ Агар фуқароликдан маҳрум этиш шахснинг апатрид бўлишига олиб келса, ҳеч бир Аҳдлашаётган давлат ҳеч бир шахсни фуқароликдан маҳрум этмаслиги керак.
-
- ❷ Ушбу модданинг 1-банди қарорига қарамасдан, ҳар қандай шахс ҳар қандай Аҳдлашаётган давлатнинг фуқаролигидан маҳрум этилиши мумкин:
- a) 7-модданинг 4 ва 5-бандларига мувофиқ бўлган ҳолатларда фуқароликни йўқотишга йўл қўйилади;
 - b) агар фуқаролик ёлғон маълумотлар берилиши ёки алдаш оқибатида олинган бўлса.
-
- ❸ Ушбу модданинг 1-банди қарорига қарамасдан, ҳар қандай Аҳдлашаётган Давлат ҳар қандай шахсни фуқаролигидан маҳрум қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади, агар имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш вақтида ўша пайтда унинг миллий қонунида кўзда тутилган бир ёки бир нечта қўйидаги асослар бўйича фуқароликдан маҳрум қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолишини кўрсатган бўлса;
- a) тегишли шахс ушбу Аҳдлашаётган Давлатга содик бўлиш бурчига қарамасдан қўйидагиларни содир этса,
 - i) ушбу Аҳдлашаётган Давлат томонидан тўғридан-тўғри ман этилганлигини писанд этмасдан бошқа давлатга хизмат кўрсатган ёки кўрсатаётган бўлса ёхуд бошқа давлатдан мукофот олган ёки олаётган бўлса, ёки
 - ii) ўзини ушбу давлатнинг ҳаётий манфаатларига жиддий зарар етказадиган тарзда тутса;
 - b) агар тегишли шахс бошқа давлатга содиклик қасамёдини қабул қилган бўлса ёки унга содиклик тўғрисида расмий баёнот берган

бўлса ёхуд ушбу Аҳдлашаётган Давлатга содиқликдан воз кечиш ниятини кўрсатувчи муайян далиллар келтирган бўлса.

-
- ④** Ҳеч бир Аҳдлашаётган Давлатлар ушбу модданинг 2- ёки 3-бандларига мувофиқ йўл қўйиладиган фуқароликдан маҳрум қилиш ҳуқуқини тегишли шахс учун суд ёки мустақил муассаса томонидан адолатли суриштирув ҳуқуқини кўзда тутадиган қонунга мувофиқликдан бошқача тарзда амалга оширмаслиги керак.

9-модда

Ҳеч бир Аҳдлашаётган Давлат ҳеч бир шахсни ёки шахслар гурӯҳини ирқий, этник, диний ёки сиёсий асослар бўйича фуқароликдан маҳрум этиши мумкин эмас.

10-модда

-
- ①** Аҳдлашаётган Давлатлар ўртасидаги ҳудудни беришни назарда тутадиган ҳар қандай халқаро шартнома ана шундай ҳудудни бериш оқибатида ҳеч бир шахс апатрид бўлмаслигини кафолатладиган қарорни қамраб олиши керак. Ҳар қандай Аҳдлашаётган Давлат мана шундай қарорларни мазкур Конвенция иштирокчиси бўлмаган давлат билан тузиладиган ҳар қандай ана шундай халқаро шартномага киритилиши учун барча чораларни кўриши керак.
-
- ②** Мана шундай қарорлар мавжуд бўлмаганида, ўtkaziladigancha ҳудуд ёки бошқа йўл билан ҳудудга эга бўлган ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат ана шундай бериш ёки олиш натижасида апатрид бўлиб қоладиган шахсларга ўз фуқаролигини тақдим этиши керак.

11-модда

Аҳдлашаётган Давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида олтинчи ратификация ёрлигини ёки қўшилиш тўғрисидаги ёрлиқни сақлашга берилгандан сўнг, имконияти борича энг яқин вақт ичидা, ушбу Конвенцияга асосан қандайдир устунликни талаб қиласиган шахслар талабларни кўриб чиқиш ва ушбу талабларни тегишли ҳокимият органларига тақдим этишда уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин бўлган муассасани ташкил этишда кўмаклашишлари керак.

12-модда

-
- 1** Ушбу Конвенциянинг 1-моддаси 1-банди ёки 4-моддасида қонунга мувофиқ кўзда тутилган, туғилиш вақтида фуқаролиги тақдим этилмайдиган Аҳдлашаётган давлатларга нисбатан 1-модда 1-банди ёки 4-модданинг қарорлари тегишли равишда мазкур Конвенция кучга киргунга қадар туғилган, шунингдек кейин туғилган шахсларга қўлланилади.

 - 2** Ушбу Конвенциянинг 1-моддаси 4-банди қарорлари у кучга киргунига қадар туғилган, шунингдек кейин туғилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

 - 3** Конвенциянинг 2-моддаси қарорлари ҳар қандай Аҳдлашаётган Давлат ҳудудида топилган фақат етимларга ушбу Конвенция мазкур давлатга нисбатан кучга киргандан сўнггина қўлланилади.

13-модда

Ушбу Конвенция фуқаросизликни камайтиришга ёрдам берадиган ва қайсиdir Аҳдлашаётган Давлатнинг амалдаги қонунида ёки қайсиdir бошқа икки ёки ундан ортиқ Аҳдлашаётган Давлатлар учун кучда бўлган қайсиdir бошқа конвенция, халқаро шартнома ёки битимда мавжуд бўлса ёхуд бўлиши мумкин бўлса, бундай қоидаларга қарши талқин этилмаслиги керак.

14-модда

Аҳдлашувчи давлатлар ўртасида мазкур Конвенцияни талқин этиш ёки қўллаш тўғрисидаги, бошқача йўл билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳар қандай баҳс, ушбу баҳслашаётган томонлардан бирининг талаби бўйича Халқаро Судга тақдим этилади.

15-модда

- 1** Ушбу Конвенция Аҳдлашашаётган Давлатлардан қайсиdir бири халқаро муносабатлари учун масъул бўлган барча ўзини ўзи бошқармайдиган, васийлик остидаги, мустамлака ва бошқа метрополиядан ташқаридағи ҳудудларга тарқалади. Тегишли Аҳдлашашаётган Давлат, ушбу модданинг 2-банди қоидаларига зид бўлмаслиги учун, имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида метрополиядан ташқаридағи ҳудудларни ёхуд ана шундай имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш натижасида Конвенция *ipso facto* тарқаладиган метрополиядан ташқаридағи ҳудудларни кўрсатиши керак.

- 2** Гап фуқаролик тўғрисида кетаётгани учун метрополиядан ташқаридағи ҳудудлар метрополия ҳудуди билан яхлит тарзда кўрилмайди ва ҳар қандай ҳолатда метрополиядан ташқаридағи ҳудуднинг олдиндан розилиги талаб қилинганида метрополиядан ташқаридағи ҳудуднинг асосий қонуни ёки Аҳдлашашаётган Давлат амалиётига мувофиқ мазкур Конвенцияни ушбу ҳудудга тарқатиш учун Аҳдлашашаётган Давлат мазкур Аҳдлашашаётган Давлат ушбу Конвенцияни имзолаган кундан бошлаб ўн икки ой мuddатда метрополиядан ташқаридағи ҳудуднинг зарур розилигини олиш чораларини кўриши керак, бундай розилик олинганида, Аҳдлашашаётган Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини билдирги орқали хабардор қилиши керак. Ушбу Конвенция бундай билдиргида кўрсатилган ҳудуд ёки ҳудудларда Бош котиб уни қабул қилган кундан бошлаб тарқалади.

-
- ③ Ушбу модданинг 2-бандида қайд этилган ўн икки ойлик муддат тугаганидан сўнг, тегишли Аҳдлашаётган Давлатлар Бош котибга халқаро муносабатлар учун масъул бўлган метрополиядан ташқаридаги ҳудудлар билан маслаҳатлашувлари натижалари ва улардан ўзларининг ҳудудларига мазкур Конвенция тарқалиши учун розилик олинмаганлиги тўғрисида маълум қилишлари керак.

16-модда

-
- ① Ушбу Конвенция 1961 йил 30 августдан 1962 йил 31 майга қадар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида имзолаш учун очиқ бўлади.
-
- ② Ушбу Конвенция қуидагилар номидан имзолаш учун очиқ бўлади:
- a) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлган ҳар қандай давлат учун;
 - b) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Келажакда фуқаросизликка барҳам бериш ёки уни қисқартириш бўйича конвенцияда иштирок этиш учун таклиф қилинган ҳар қандай бошқа Давлатга;
 - c) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш Ассамблеяси томонидан ушбу Конвенцияни имзолаш ёки унга қўшилиш учун таклиф қилинган ҳар қандай бошқа Давлатга.
-
- ③ Ушбу Конвенция ратификация қилинади ва ратификация ёрликлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига депонирация қилинади (топширилади).
-
- ④ Мазкур Конвенция ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган Давлатларга қўшилиш учун очиқ. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби хузурида қўшилиш тўғрисида ёрлиқни депонирация қилиш орқали амалга оширилади.

17-модда

- ❶** Ҳар қандай Давлат имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида 11, 14 ёки 15-моддаларига қўшимча шартларни кўрсатиши мумкин.

- ❷** Ушбу Конвенцияда бошқа ҳеч қандай қўшимча шартларга йўл қўйилмайди.

18-модда

- ❶** Ушбу Конвенция олтинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ёрлиқ сақлаш учун топширилган кундан икки йил ўтгандан кейин кучга киради.

- ❷** Ушбу Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир Давлат учун олтинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ёрлик депонирация қилинганидан кейин ушбу Давлат томонидан ўзининг ратификация ёрлиғи ёхуд қўшилиш тўғрисидаги ёрлиқни депонирация қилинганидан кейин тўқсонинчи кунда ёки ушбу модданинг 1-банди қоидаларига мувофиқ, қайси кун кейинроқ бўлишига қараб, кучга киради.

19-модда

- ❶** Ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат ушбу Конвенцияни хоҳлаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига ёзма билдирги орқали денонсация қилиши (рад қилиши) мумкин. Бундай рад қилиш (денонсация) тегишли Аҳдлашаётган давлат учун Бош котиб томонидан қабул қилинган кундан бир йил ўтиб кучга киради.

- ❷** 15-модданинг қоидаларига мувофиқ, ушбу Конвенция қайсиdir Аҳдлашаётган Давлатнинг метрополиядан ташқаридаги ҳудудига тарқаладиган бўлса, шундан сўнг, бундай Давлат хоҳлаган вақтда тегишли ҳудуднинг розилиги билан мазкур Конвенцияни ушбу ҳудудга нисбатан денонсация қилиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг Бош котибига билдирги юбориши мумкин. Ана шу денонсация Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби билдирги олган кунидан бир йил ўтиб кучга киради. У барча бошқа Аҳдлашаётган Давлатларга бундай билдирги ва уни олган куни ҳақида маълум қиласди.

20-модда

-
- ❶ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби 16-моддада кўрсатилганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари бўлган давлатларига ва ушбу Ташкилотга аъзо бўлмаган давлатларга қўйидаги ҳолатларни маълум қиласди:
- a) 16-моддага мувофиқ имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш тўғрисида;
 - b) 17-моддага мувофиқ қўшимча шартлар тўғрисида;
 - c) 18-моддага мувофиқ ушбу Конвенциянинг кучга кирган куни тўғрисида;
 - d) 19-моддага мувофиқ денонсация тўғрисида;
- ❷ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби олтинчи ратификация ёрлиги ёки қўшилиш тўғрисидаги ёрлик депонирация қилинганидан кейин кечиктирмасдан Бош Ассамблеянинг эътиборини 11-моддага мувофиқ, унда қайд этилган муассасани ташкил этиш масаласига қаратади.

21-модда

Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан кучга кирган кунида рўйхатга олинади.

Буни тасдиқлаш учун имзолашга ваколатли вакиллар ушбу Конвенцияни имзоладилар.

Нью-Йоркда бир минг тўққиз юз олтмиш биринчи йил ўттизинчи августда бир нусхада тузилган, инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларидағи матни айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига депонирация қилинади ва унинг тасдиқланган нусхалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан ушбу Конвенциянинг 16-моддасида қайд этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ва мазкур Ташкилотга аъзо бўлмаган давлатларга юборилади.